# КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан жорий йилнинг 24 август куни Олтинсой тумани Адлия бўлими, ФХДЁ бўлими, Халқ қабулхона ва Давлат хизматлари маркази ходимлари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.



Давра суҳбатида Олтинсой тумани Адлия бўлими бошлиғи бошлиғи Холиёров Низомжон Абдурасулович ва Халқ депутатлари Олтинсой туман Кенгаши котибияти мудири Хужанов Мусурмон Абдурахмоновичлар томонидан “КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ” мавзусида ушбу қонунинг 3-моддасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга доир тушунчаларга таъриф берилган, яъни коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқиедан шахсий манфаатларини, ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш коррупцияга муносабат тушунчалари бўйича кўрсатмалар берди.

